

Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётидаги ўзгаришлар (2020 йил ноябрь)

Қонунчиликдаги ва маъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлардаги ўзгаришлар. Молия вазирлиги томонидан “2021 йил учун солиқ сиёсатининг асосий йўналишлари қабул қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди.

Қонун лойиҳасининг 289-3-моддасида нефть маҳсулотлари ва бошқа акциз тўланадиган товарлар ва хизматларга солиқ ставкалари белгиланди ва маълумотлар берилди.

Масалан, акциз солиғи бўйича импорт ва ишлаб чиқариш учун акциз солиғи аксарият ставкаларини тенглаштириш назарда тутилмоқда. Шу билан бирга, мутлақ миқдорда белгиланган акциз солиғи ставкалари индексация қилинган (2020 йил 1 апрелдан уларнинг назарда тутилган индексациясини бекор қилинганини ҳисобга олган ҳолда). Шу муносабат билан, акциз солиғи ставкалари 2021 йил 1 февралдан бошлаб индексация қилинмоқда.

Импорт бўйича 73та товар позициясига акциз солиғини бекор қилиш таклиф этилмоқда, хусусан, озиқ-овқат маҳсулотлари (20 турдаги товарлар (шарбатлар, пишлок, творог, маргарин, унли қандолат маҳсулотлари, колбаса ва шунга ўхшаш гўшт маҳсулотлари ва ҳ.к.), электротехника товарлари бўйича (35 турдаги товарлар (музлатгичлар, телевизорлар, газ плиталари, чангютгичлар, кир ювиш машиналари ва бошқалар) ва ҳ.к. Бу тадбиркорлик субъектларига тенг шароитларни таъминлашга имкон беради.

Мобил алоқа хизматларини кўрсатадиган юридик шахслар учун акциз солиғи ставкаси 20 фоиздан 15 фоизгача пасайтирилмоқда.

Ер солиғи бўйича қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерлар учун, республика ҳудудлари кесимида мутлақ катталиқда уларни 15 фоиз индексация қилинишини ҳисобга олган ҳолда базавий солиқ ставкаси белгиланмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 27 ноябрдаги ПФ-6119-сонли “Ўзбекистон Республикаси қурилиш тармоғини модернизация қилиш, жадал ва инновацион ривожлантиришнинг 2021-2025 йилларга мўлжалланган Стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармони қабул қилинди. Ушбу Фармон билан Ўзбекистон Республикаси қурилиш тармоғини модернизация қилиш, жадал ва инновацион ривожлантиришнинг 2021-2025 йилларга мўлжалланган Стратегияси ҳамда Ўзбекистон Республикаси қурилиш тармоғини модернизация қилиш, жадал ва инновацион ривожлантириш Стратегиясини 2021-2025 йилларда амалга ошириш бўйича “Йўл харитаси” тасдиқланди.

Стратегиянинг мақсади - қурилиш тармоғини янада такомиллаштириш, архитектура ҳамда қурилиш органлари ва муассасаларини изчил ривожлантириш механизмларини шакллантириш, давлат бошқаруви тизимининг самарадорлигини таъминлаш, соҳага рақамли технологияларни илғор жорий этиш ҳисобланади.

Шунингдек, Стратегияда бир нечта мақсадли кўрсаткичлар амалга ошириш режалаштирилган. Масалан, 2025 йил охирига бориб «Бизнес юритиш» халқаро индексида (Doing Business Index) «қурилишга рухсатномалар олиш» (Dealing with Construction Permits) йўналиши бўйича Ўзбекистон Республикасининг позициясини жорий 61,7 баллдан 78,2 баллгача яхшилаш назарда тутилган. Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикасининг геологик, табиий-иқлим, сейсмологик ва бошқа хусусиятларини инобатга олган ҳолда 2025 йилга бориб миллий шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларини камида 50 фоиз даражасида халқаро норматив ва стандартлар билан уйғунлаштиришга эришиш, 2025 йилга бориб шаҳарларнинг барчасини ва шаҳар посёлкаларининг 25 фоизини бош режалар билан қамраб олишга эришиш, 2025 йилга бориб «Шаффоф қурилиш» миллий ахборот тизими доирасида қўшимча тўртта электрон платформа яратилишини, шунингдек, уларнинг идоралараро ахборот тизимлари ва маълумотлар базалари билан интеграция қилинишини таъминлаш кўзда тутилган.

Стратегияда шунингдек, 2025 йилга бориб архитектура ва қурилиш соҳасидаги олий таълим муассасаларидан бирининг халқаро тан олинган ташкилотлар рейтингларидаги Осиё мамлакатларининг энг яхши олий таълим муассасалари рўйхатига ТОП-1000 таликка кириши назарда тутилган.

2021 йил 1 январдан бошлаб қурилиш устидан жамоат назоратини таъминлаш мақсадида аҳоли пунктларининг бош режалари жамоат муҳокамаси натижаларини ҳисобга олган ҳолда тасдиқланади. Бунда аҳоли пунктлари бош режаларининг жамоат муҳокамаси қуйидаги тартибда (босқичларда) амалга оширилади:

I босқич - фуқароларни жамоат муҳокамасини ўтказиш муддатлари, жойи ва тартиби билан таништириш;

II босқич - аҳоли пункти бош режасининг лойиҳаси бўйича жамоат муҳокамаларини (яшовчилар, ердан фойдаланувчилар ва кўчмас мулк объектлари мулкдорларининг муҳокамалари, ижтимоий сўровлари, фикрларини тўплаш ва бошқа усуллар) ўтказиш;

III босқич - жамоат муҳокамасининг қайд этилган натижалари асосида жамоат фикрини таҳлил қилиш;

IV босқич - жамоат муҳокамаси натижалари ҳақида оммавий ахборот воситалари, шу жумладан интернет тармоғи орқали аҳолини хабардор қилиш.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 19 ноябрдаги 732-сонли “Қурилиш соҳасида ахборот тизими ва географик ахборот технологияларини янада чора-тадбирлари тўғрисида” қарори билан “Шаффоф қурилиш” миллий ахборот тизими тўғрисидаги низом, “Шаффоф қурилиш” миллий ахборот тизими ва “Ўзбекистон Республикаси давлат шаҳарсозлик кадастри” географик ахборот тизимини янада ривожлантириш ва унинг “Электрон ҳукумат” тизимига интеграциялашуви бўйича чора-тадбирлар режаси тасдиқланди. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Қурилиш соҳасига ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2019 йил 20 сентябрдаги ПҚ-4464-сонли қарори ижросини таъминлаш, шунингдек, идоралараро электрон ҳамкорликни ва қурилиш жараёнининг барча босқичларини рақамлаштиришни ташкил қилиш мақсадида қабул қилинди.

Институционал ўзгаришлар. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 3 апрелдаги “Коронавирус пандемияси даврида аҳоли, иқтисодиёт тармоқлари ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони ижросини таъминлаш мақсадида “Ўзбекистон Бизнесни ривожлантириш” уюшмаси ташкил этилди.

Уюшманинг вазифалари этиб мамлакатимиз тадбиркорларининг пандемия шароити натижасида юзага келган муаммоларини бартараф этишга кўмаклашиш, ишбилармонларнинг жаҳон бизнес стандартларига фаол трансформация жараёнларини амалга ошириш, яширин иқтисодиётни қисқартиришга кўмаклашиш, рақамли иқтисодиётга тадбиркорлик субъектларини трансформация қилиш каби устувор вазифалар белгиланган¹.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 10 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Пиллачилик ва қорақўлчиликни ривожлантириш қўмитаси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 705-сонли Қарорига кўра Ўзбекистон Республикаси Пиллачилик ва қорақўлчиликни ривожлантириш қўмитаси ташкил этилди.

Қўмита пиллачилик ва қорақўлчиликни ривожлантириш соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга оширувчи, шунингдек, ушбу тармоқларни ягона илмий-техник сиёсатни юритган ҳолда, мувофиқлаштирилган тарзда ривожлантиришни таъминловчи давлат бошқаруви органи ҳисобланади.

Қўмитанинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат этиб белгиланди²:

¹Манба: <https://uza.uz/uz/posts/ozbekiston-biznesni-rivozhlantirish-uyushmasi-tashkil-etildi>

² <https://lex.uz/docs/5130468>

– пиллачилик ва қорақўлчиликни ривожлантириш соҳасида ягона давлат сиёсати амалга оширилишини, шунингдек, ушбу тармоқларни ягона илмий-техник сиёсатни юритган ҳолда, мувофиқлаштирилган тарзда ривожлантиришни таъминлаш;

– тут плантациялари ва яйловларнинг қатъий ҳисобини юритиш ва фондини ўрганиш, шунингдек, пиллачилик ва қорақўлчиликни ривожлантириш учун озуқа базасини яхшилаш;

– ипак қуртининг ва қорақўл зотли кўйларнинг юқори даражада маҳсулдор наслларини жорий қилиш;

– пилла ва қорақўл терисидан тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш мақсадида хом ашё тайёрлаш ва уни қайта ишлаш учун қулай шароитлар яратиш;

– маркетинг тадқиқотларини ўтказиш ҳамда ипак ва қорақўлдан тайёрланган маҳсулотларни, энг аввало, ташқи бозорларда сотишга кўмаклашиш;

– пиллачилик ва қорақўлчилик билан шуғулланувчи тадбиркорлик субъектларига ўз фаолиятини кенгайтириш, кластерлар ташкил этиш ва маҳсулотни экспорт қилишда ҳар томонлама ёрдам бериш.

Иқтисодиётдаги ўзгаришлар. 2020 йил ноябрь ойида Ўзбекистон тарихида илк маротаба халқаро молия бозорларида миллий валютада 2 триллион сўм ҳажмида суверен облигациялар жойлаштирди. Инвесторлар таклифларига биноан 750 млн АҚШ доллари миқдоридagi суверен халқаро облигацияларни 2 траншда 10 йиллик муддат билан АҚШ долларида ва 3 йиллик муддат билан ўзбек сўмида чиқариш ва Лондон фонд биржасида жойлаштириш бўйича бошланғич фоиз ставкалар, мос равишда, 4,25% атрофида ва 15,25% атрофида белгиланди. Буюртмалар жойлаштирилгандан кейин, уларнинг ҳажми икки соат ичида доллар ва сўмдаги облигациялар учун мос равишда, 1,6 млрд доллар ва 1,9 трлн сўмни ташкил этди.

Шаклланган буюртмалар ҳажми ва молиявий консультант-андеррайтерларнинг таҳлилларидан келиб чиқиб, Лондон вақти билан соат 13:00да доллар ва сўмдаги облигациялар учун фоиз ставкалари, мос равишда, 3,875% ва 14,75% га туширилди. АҚШ бозорлари очилгач, буюртмалар ҳажми ошишда давом этиб, мос равишда, 3,8 млрд доллар ва 5 трлн сўм максимал қийматга етиб борди ҳамда фоиз ставкаларини яна тушириш учун имконият яратди.

Савдо яқунлари бўйича, халқаро облигацияларнинг ҳажми ва фоиз ставкалари қуйидагича белгиланди:

– 10 йиллик АҚШ доллари транши: 555 млн доллар 3,70% купон билан (дастлабки фоиз ставкадан 0,55% паст);

– 3 йиллик ўзбек сўми транши: 2 трлн сўм 14,50% купон билан (дастлабки фоиз ставкадан 0,75% паст)³.

Ноябрь ойида, шунингдек, 2020 йилда Ўзбекистон 107 та мамлакат иштирок этган “Глобал очлик индексида” (Global hunger index) 2019 йилдагидан 18 поғона юқорилаб, ушбу индекс бўйича энг яхши мамлакатлар рўйхатига кирди. Ўзбекистон мазкур рейтингда энг яхши деб топилган 47 та мамлакат қаторида – 6,7 балл билан 30-ўринни эгаллаган. 2019 йилда мамлакат 10,7 балл билан 48-ўринни банд этганди.

Унда 9,9 гача балл тўплаганлар очлик даражаси паст, 10,0 дан 19,9 гача балл тўплаганлар очлик даражаси ўртача, 20,0 дан 34,9 гача балл тўплаганлар очлик даражаси жиддий, 35,0 дан 49,9 гача балл тўплаганлар очлик даражаси хавотирли, 50,0 дан юқори балл тўплаганлар очлик даражаси ўта қўрқинчли мамлакатлар рўйхати шакллантирилган.

Шунингдек, ушбу индекс ҳар бир мамлакат учун тўртта кўрсаткични жамлаш орқали аниқланади:

– тўйиб овқатланмайдиган аҳоли улуши;

– беш ёшгача бўлган вазни меъеридан паст болалар улуши;

³ Манба: <https://telegra.ph/%D0%8EzbeKiston-Respublikasi-Moliya-vazirligi-navbatdagi-suveren-hal%D2%9Baro-obligaciyaIarning-boshlan%D2%93ich-foiz-stavkasini-ehlon-%D2%9Bildi-11-19>

- беш ёшгача бўлган бўйи меъеридан паст болалар улуши;
- беш ёшгача бўлган болаларнинг ўлим даражаси.

Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасига кўра, бир йил ичида Ўзбекистоннинг 48-ўриндан 30-ўринга кўтарилишининг асосий сабаби, “тўйиб овқатланмайдиган аҳоли улуши” кўрсаткичининг 2017 йилдан бошлаб қайта ҳисоблаш амалга оширилганлигидир. Қайта ҳисоблаш натижасида “тўйиб овқатланмайдиган аҳоли улуши” кўрсаткичи деярли 2,5 баробарга қисқартирилган ва 2016-2018 йиллар учун 6,3 фоиздан 2,8 фоизга ўзгартирилган. Ушбу статистика 2017-2019 йиллар учун 2,6 фоиз деб тан олинган эди.

Глобал очлик индексида келтирилган маълумотларга қараганда, дунё миқёсида қарийб 690 миллион киши тўйиб овқатланмайди. 144 миллион бола бўйнинг ривожланишидан азият чекмоқда, бу сурункали етишмовчилик белгисидир. 47 миллион бола исрофдан азият чекмоқда, бу ўтқир етишмовчилик белгиси ва 2018 йилда 5,3 миллион беш ёшга тўлмай вафот этган.

2020 йил ноябрь ойида эълон қилинган Буюк Британиянинг Legatum Institute томонидан ҳар йили тайёрланадиган **“Фаровонлик индекси”**нинг бўйича Ўзбекистон 97-ўринни эгаллади. Яъни, 2019 йилдаги (102-ўрин) натижалар билан солиштирганда 5 поғона юқорига кўтарилди. Ўзбекистон илк бор ушбу индексга 2010 йилда киритилган бўлса, ўтган 10 йил давомида 10 поғонага кўтарилган. Мамлакат 2016 йилда 106, 2017 йилда 107, 2018 йилда 105-ўринни эгаллаган эди.

Ўзбекистон ушбу индексда ижтимоий капитал (20), соғлиқни сақлаш (43) ва хавфсизлик (52) мезонлари бўйича юқори натижаларни қайд этган. Экологик муҳит (157), шахсий эркинлик (147) ва давлат бошқаруви (136) эса мамлакатнинг энг ёмон жиҳатлари сифатида қайд этилган.

Ушбу рейтингда мамлакатлар 9 мезон бўйича таққосланади. Булар -иқтисодий ривожланиш даражаси, бизнес муҳити, давлат бошқаруви самарадорлиги, таълим, соғлиқни сақлаш, хавфсизлик ва шахсий эркинлик, ижтимоий капитал ва экологик муҳитни ривожлантириш.

Ушбу индекснинг кучли бешлигидан Дания, Норвегия, Швейцария, Швеция, Финляндия ўрин олган бўлса, Марказий Осиёнинг бошқа мамлакатлари - Қозоғистон 62-ўринни, Қирғизистон 90-ўринни, Туркменистон 109-ўринни, Тожикистон 112-ўринни банд этган.

Базель давлат бошқаруви институти ҳисоботида кўра, Ўзбекистон **пул ювишга қарши кураш индексида** 43-ўринни эгаллади. Рейтингда биринчи ўринни Афғонистон эгаллаган. Ундан кейинги ўринларда Гаити (2-ўрин) ва Мянма (3-ўрин) қайд этилган. Рейтингда Россия 52-ўрин, Туркия -41 ўрин, Украина 67-ўрин, Қозоғистон 73-ўринни эгаллаган.

Базель давлат бошқаруви институти мутахассислари томонидан 141 мамлакатда жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш соҳасида кўрилган чоралар самарадорлигини ўрганилган. Рейтингда энг қуйи поғоналарда турган давлатда ноқонуний пулларни легаллаштириш даражаси паст ҳисобланади.

Стратегик режалаштириш ҳамда макроиқтисодий параметрлар прогнозларини ишлаб чиқиш масалалари бўйича лойиҳа томонидан тайёрланди